Кунинг муҳим воқеалари

2025-yil
10-iyul
payshanba
№85
(5149)

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA BIRLASHAYLIK!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

## Кунинг муҳим воқеалари



Президент **Шавкат Мирзиёев раислигида 9 июль куни йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, инфратузилмасини яхшилаш ва тирбандликларни камайтириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши** ўтказилди.

* * *



**«Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида»ги Президент қарори** қабул қилинди.

Ҳужжатга мувофиқ, 2010 йил 10 декабрдаги **Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг Шахсларни давлатлараро қидириш тўғрисидаги шартномасига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги баённома тасдиқланди.**

* * *



Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири **Бахтиёр Саидов** Грузия Президенти **Михаил Кавелашвили билан учрашди.**

ТИВ матбуот хизмати хабарига кўра, ўзбек дипломатияси раҳбари Президент Шавкат Мирзиёевнинг ҳамкасбига самимий саломини етказар экан, икки давлат ўртасида шаклланган ўзаро англашув ва ишонч муносабати юқори даражада эканини қайд этди.

* * *



Ўзбекистоннинг янги тайинланган фавқулодда ва мухтор элчиси **Илҳом Ҳайдаров Туркия Президенти Режеб Таййиб Эрдоғанга ишонч ёрлиқларини топширди.**

Расмий маросимдан сўнг бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги чуқурлаштирилган кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларининг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

* * *



Ўзбекистон элчиси **Кароммиддин Гадоев** Малайзиянинг CB Synergy компанияси бош директори Шахзели бин Шахзулкариб ва Perak Halal Corporation компанияси бошқарув директори **Абдул Азиз Абдул Раҳим билан учрашди.**

Мулоқот давомида Қашқадарё вилоятида «ҳалол» озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш истиқболлари муҳокама қилинди.

* * *



**2025 йилнинг 1 июль ҳолатига** Ўзбекистонда доимий аҳоли сони қарийб **37 859 698 киши**ни ташкил этган.

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, бу кўрсаткич 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 2 фоизга ошган.

# КАСАБА УЮШМАЛАРИДАГИ ЖИДДИЙ ЖАРАЁН

***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳудудий кенгашларида ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтмоқда***











**Айни пайтда касаба уюшмалари тизимида ўтказилаётган ҳисобот-сайловлар қизғин паллага кирди. Жорий йилнинг февраль-апрель ойларида цех, бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларида, бирлашган касаба уюшмаси қўмиталарида йиғилишлар, конференциялар, май-июнь ойларида эса касаба уюшмаларининг туман, шаҳар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бўлинмаларида конференциялар ўтказилди.**

**Айни пайтда эса Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳудудий кенгашларида ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтмоқда. Аввалги сонларимизда Тошкент шаҳри, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида ўтган жараёнларни ёритган эдик.**

**Бугунги сонда эса Самарқанд, Навоий, Жиззах, Андижон ва Сирдарё вилоятларида юқори савияда бўлиб ўтган ҳисобот-сайловлар билан батафсил танишасиз.**

*2-3-саҳифаларда ўқинг...*

■ 1211 ЭШИТАДИ!

## ИШОНЧЛИ МАНЗИЛГА МУРОЖААТЛАР



**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳузурида хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида ташкил этилган 1211 рақамли «Ишонч телефони»да доимий иш қизғин кечади.**

Таҳлилларга кўра, йил бошидан буён «Ишонч телефони»га 191 минг 591 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг асосий қисми ижтимоий масалалар (35,2 фоиз), уй-жой (15,9 фоиз), юридик (12,6 фоиз), бандлик (8,1 фоиз), алимент ундиришдан иборат бўлган.

Мутахассислар ҳар бир мурожаатни ўз ваколати доирасида ўрганиб, тегишли тартибда ижрочиларга йўналтирмоқда. Уларнинг ҳеч бири эътибордан четда қолаётгани йўқ, барчаси қатъий назоратга олинган.

Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманидаги «Олмазор» маҳалласида яшовчи Сурайё Эшниёзова ҳам 1211 га сим қоқиб, мадад кутганлардан бири.

У тумандаги 47-оилавий поликлиникада ҳамшира бўлиб ишлайди. Сурайёнинг оилавий ҳаётида муаммолар бўлган, турмуш ўртоғи билан ажрашган. Бир фарзанди бор. Суднинг тегишли қарори билан эрга алимент тўлаш мажбурияти юклатилган. Аммо собиқ турмуш ўртоғи бирор марта ҳам тўловни амалга оширмаган.

С.Эшниёзова кўп жойга мурожаат қилган. Аммо натижа бўлмаган. Охири ноиложликдан «Ишонч телефони»га қўнғироқ қилиб, ёрдам сўради. Тегишли мутасаддилар аралашуви билан унга собиқ турмуш ўртоғидан ўн миллион сўмдан ортиқ алимент қарздорлиги ундириб берилди.

Умуман, фаолиятда бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Муҳими, уларнинг ечим топишида. Зотан «Ишонч телефони»нинг асосий мақсади ҳам ҳар бир мурожаатчига амалий ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Бу вазифанинг сидқидилдан бажарилаётганини эса ишонч ортиб бораётганидан – мурожаатлар сони кўпаяётганидан ҳам билиш мумкин.

**Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ**
*«ISHONCH»*

## ЗОМИН ИЛҲОМЛАРИ



*4-саҳифада ўқинг...*

■ КАСАБА УЮШМАСИ АРАЛАШГАЧ...



## ТОВОН ПУЛИ ТЎЛАБ БЕРИЛДИ, ТЎЛОВЛАР ДОИМИЙЛИГИ ТАЪМИНЛАНДИ

**Иброҳим Боғибеков «Ҳудудгаз Хоразм» газ таъминоти филиалида ҳайдовчи бўлиб ишларди. Афсуски, у 2019 йил 8 ноябрь куни ишлаб чиқариш билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида вафот этди. Уч нафар фарзанди етим бўлиб қолди.**

Марҳумнинг турмуш ўртоғи Гавҳар Жабборова 2021 йилда пенсия ёшига етди. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, у боқувчисини йўқотган меҳнатга лаёқатсиз шахс сифатида зарар пули олиш ҳуқуқига эга эди. Бироқ белгиланган тўловлар ўз вақтида амалга оширилмади. «Ҳудудгаз Хоразм» мутасаддилари марҳумнинг қариндошларига бир йўла тўланадиган нафақа тўлиқ тўлаб берилганини важ қилиб, бошқа кўмак берилмаслигини айтишди.

Шундан сўнг Г.Жабборова Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгашидан ҳуқуқий кўмак сўради. Унинг қонуний ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро судига даъво-аризаси киритилди.

Суд мавжуд далилларга ҳуқуқий баҳо берди ва даъвогар фойдасига қарор чиқарди. Унга кўра, «Ҳудудгаз Хоразм» газ таъминоти филиали Г.Жабборовага 20 миллион 482 минг 500 сўм зарар пули, шунингдек, ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида тўлов тўлаб борадиган бўлди.

**Эркинбой БАЙЖАНОВ,**
*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори*



# КАСАБА УЮШМАЛАРИДАГИ

***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳудудий кенгашларида***

## ЭМАС ОСОН БУ МАЙДОН ИЧРА ТУРМОҚ

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгашининг VIII конференцияси танқид ва таҳлилларга бой бўлди**

Беш йил тарих учун бир чимдим фурсат эрса-да, касаба уюшмалари ҳаётида муносиб из қолдиргани билан эсда қоляпти. Илгари вилоят кенгаши тасарруфидаги бошланғич ташкилотларга 483,5 минг атрофида аъзо бирлашган эди. Ҳисобот даврида улар сафига 300 минг нафарга яқин меҳнаткашлар вакиллари келиб қўшилишди. Кейинги тўрт йилда касаба уюшмаларини ихтиёрий танловчилар сони 10 баробардан ортганининг ўзиёқ жамоат ташкилотининг катта кучга айланаётгани, халқ кўнглига кириб бораётганининг исботидир.

Ҳисобот даврида вилоят касаба уюшмаларига бўлаётган мурожаатлар сони илгаригига қараганда салкам уч баробарга ортиб, улар ижросини таъминлаш даражаси юз фоизлик натижага кўтарилди. Рўйхатга олинган 1707 та мурожаатнинг барчаси тегишлилик даражасида ҳал этилди. Жамоат ташкилоти вакиллари томонидан фуқаролар хатлари асосида 411 та касаба уюшмалари ваколатига оид бўлмаган масалалар ҳам ижтимоий шерикчилик асосида ҳал этилишига эришилган.

– Меҳнат ҳуқуқи соҳасида биргина ўтган йилда 63 та ташкилотда жамоатчилик назорати амалга оширилиб, 276 та меҳнат қонунчилиги ва норматив ҳужжатлар талабларининг бузилиши ҳолати аниқланди. Иш берувчилар ва касаба уюшмалари ташкилотларига 14 маротаба кўрсатма киритилди, – деди кенгаш раиси Суҳроб Рафиқов ҳисобот маърузасида. – Минг афсуски, ҳамон меҳнат тартибларига риоя қилмаслик ҳолатлари мавжуд. Ўтган даврда ушбу ҳолат бўйича келиб тушган 924 та мурожаат асосида ўрганишлар олиб борилди ва 322 нафар ходимнинг ҳуқуқлари тикланди. Уларнинг мажбурий бекор юрган кунлари учун 318 млн. 319 минг 771 сўм маблағ ундирилишига эришилди. Шу ўринда оддий бир мисол, касаба уюшмаларига келаётган мурожаатларнинг аксар қисмини таълим ва соғлиқни сақлаш тизимида ишловчилар йўллашаяпти. Энг ачинарлиси, ушбу тизимлардаги ҳуқуқбузарликларнинг асоси оддийгина меҳнат тартибларига риоя этмасликдан иборатлиги ачинарлидир.

Ижтимоий шерикчиликни асослантириш орқали жамоа шартномалари таъсирчанлигини ошириш муҳим вазифа. Бироқ кейинги тўрт йилда жамоа шартномалари ижросини таъминлаш даражаси атиги 2,2 фоизга ошгани бу борада ҳаракатларни янада кучайтириш зарурлигини кўрсатади. Тўғри, бу меъёрий ҳужжат орқали ходимларга сарфланаётган маблағ миқдори тинимсиз ошириляпти. Масалан, 2020 йилда ҳар бир ходимга жамоа шартномалари орқали сарфланган маблағ 2 миллион 349 минг 800 сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб бу кўрсаткич 9 миллион 349 минг 185 сўмга етказилган. Аммо бу рақамлар эришилган ютуқлар билан кифояланишга, хотиржамликка берилишга сира асос бўла олмайди.



Ўтган даврда жамоат ташкилоти томонидан 3600 та корхона, ташкилот ва муассасада иш берувчилар томонидан кафолатланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига риоя этилиши таҳлил этилди. Бу жамоаларда меҳнат қилаётган 185 минг нафар ходимга тўланаётган иш ҳақи уларнинг малакасига мувофиқлиги ҳолати бўйича мониторинг олиб борилиб, тегишли тавсия ва таклифлар билдирилди.

Шу вақтда вилоятда 1008 маротаба меҳнат ярмаркалари ўтказилиб, бу тадбирларда 30451 нафар фуқаро ишга жойлашиш бўйича йўлланмалар олишган. Касаба уюшмалари 980 та корхонада бўлиб юқоридаги йўлланмалар ҳаққонийлиги юзасидан жамоатчилик назоратини ташкил этди. Шунингдек, корхона ва ташкилотларда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун банд қилиб қўйилган иш ўринларида (квота орқали) 6548 нафар фуқаронинг бандлиги масаласи билан ҳам танишилди. Мавсумий дала меҳнатларига жалб этилган ходимларнинг ҳуқуқларини муҳофазалаш масаласи ҳам эътибордан четда қолмаяпти. Пахта теримида иштирок этган 712 нафар теримчига тўланиши пайсалга солиб келинаётган 323 миллион 524 минг 500 сўмлик меҳнат ҳақлари касаба уюшмалари аралашуви билан ундириб берилди.

Тан олиш керак касаба уюшмалари ҳаракати билан меҳнатни муҳофаза қилиш, кўнгилсизликларнинг олдини олиш кун тартибидаги долзарб вазифа бўлиб турибди. Бу жараён ушбу йўналишларга сарфланаётган сарф-харажатларда ҳам намоён бўлмоқда. Масалан, 2020 йилда иш берувчилар ҳисобидан меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига 42 миллиард 568 миллион сўм маблағ сарфланган бўлса, бу миқдор 2024 йилга келиб 68 миллиард 664 миллион 600 минг сўмни ташкил этди.

Шунингдек, ҳисоботда меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, маданий-маърифий тадбирларга жалб этиш, юртимиз бўйлаб саёҳатлар ташкил қилиш, жисмонан чиниқтириш борасидаги ишлар хусусида ҳам маълумотлар берилди.

Таҳлилий тус олган музокара ва муҳокамалардан сўнг делегатлар кенгашнинг ҳисобот давридаги фаолиятига қониқарли дея баҳо беришди.

***

Муқобиллик асосидаги сайловда раис ва раис ўринбосари лавозимларига делегатлар томонидан 6 нафар номзод кўрсатилди. Низом талабларидан келиб чиққан ҳолда яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайловда 95,1 фоиз овоз билан Суҳроб Рафиқов Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши раиси, Акбар Абдусаидов (85,9 фоиз овоз) ва Шарқия Бакаева (69,4 фоиз овоз) раис ўринбосарлари лавозимларига сайланишди.

Конференция якунида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев, Самарқанд давлат университети ректори, сенатор Рустам Холмуродов, касаба уюшмалари фахрийси Марям Шодиева сўзга чиқиб, истиқболдаги вазифалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

**Нурилла ШАМСИЕВ**
*«ISHONCH»*



## МУҚОБИЛЛИК –

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Андижон**

Дастлаб кенгашнинг ўтган беш йиллик фаолияти сарҳисоб қилинди. Хусусан, бугун вилоятда 2779 та касаба уюшмалари ташкилотлари мавжуд бўлиб, улар ўз сафларига 429 минг 696 нафар аъзони бирлаштирган. Кўриниб турибдики, юз минглаб ишчи-ходимлар ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этувчи мана шундай катта тузилмада кадрлар салоҳияти муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода сўз бораётган даврда ҳудудда соҳани ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, тузилма ва кадрлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш борасида самарали ишлар амалга оширилди. Яъни касаба уюшмаси фаолларини ўқувлар билан кенгроқ қамраб олиш мақсадида бевосита вилоят ҳудудий кенгашида 1980 нафар ҳамда масофавий таълим тизими орқали 660 нафар касаба уюшмаси ташкилотлари раисларининг малакаси оширилди. Беш йил давомида вилоят бўйича 956 та бошланғич ташкилот тузилиб, уларда ишловчи 203 минг 968 нафар ходим аъзоликка қабул қилинди.

Меҳнаткашларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда фаол иштирок этиш ҳамда фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида, қонун талабларига мос ҳал этиш борасида ҳам муайян натижаларга эришилди. Зикр этилаётган муддатда ҳудудий кенгашга 513 та ёзма, оғзаки, ишонч телефони орақли ва электрон мурожаатлар келиб тушган бўлиб, уларнинг барчаси қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда ўрганиб чиқилди. Жараёнда касаба уюшмаларининг аралашуви билан 155 нафар фуқаронинг бузилган меҳнатга оид ҳуқуқлари тикланишига эришилди ҳамда мажбурий бекор юрган вақтлари учун 547 млн. 238 минг 757 сўм ҳақлари ундириб берилди.

Юқоридаги рақамлар бир қарашда беш йиллик фаолият учун нисбатан кам, арзимасдай туюлиши мумкин. Аммо эътибор бериш керакки, ҳудудий кенгаш ҳамда ўрта ва қуйи бўғин касаба уюшмалари ўртасидаги доимий мулоқот занжири, хусусан, меҳнат низолари юзага келиши мумкин бўлган ташкилотлар маъмуриятлари билан ҳам бевосита мунозара ва музокаралар натижасида икки ўртадаги кўплаб тушунмовчиликлар жойида бартараф этиб келинмоқда. Бу эса меҳнат муносабатлари соҳасида иш берувчилар томонидан қонун бузилишининг олдини олишга хизмат қиляпти, шунга монанд равишда арзгўйлар сони ҳам катта рақамларни ташкил этмаяпти.

Бугунги кунда жамоа шартномаси тадбирларини бажариш учун вилоят бўйича ўрта ҳисобда бир ходимга 2020 йил давомида сарфланган маблағ миқдори 4,2 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб, бу кўрсаткич 2 баробарга, яъни 4,4 миллион сўмга ортди. Тўғри, ушбу йўналишда ҳали ечимини кутаётган бир қатор муаммолар мавжуд. Бош келишув ва шу асосида қабул қилинган ҳудудий ҳамда тармоқ келишувларида белгиланган имтиёзларни ўзларининг жамоа шартномаларига киритиш орқали улар имкониятларидан самарали фойдаланиш, қабул қилинган келишувлар ва жамоа шартномаларининг ҳар бир банди ижроси таъминланишига эришиш, бу борада ижтимоий шерик томонларнинг масъулиятини ошириш масалалари тўлиқ таъминланяпти, деб бўлмайди. Демакки, бу жиҳат ҳам келгуси беш йилликнинг устувор вазифаларидан бирига айланиши керак.

Яна бир жиҳат. Ҳисобот даврида вилоятдаги касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан 218 та корхона, ташкилот ва муассасада меҳнат муҳофазаси йўналишида амалга оширилган ишлар юзасидан Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалаларида олиб борилган назорат-профилактика

## ЕТАКЧИЛИК МАСЪУЛИЯТИ ЗАЛВОРЛИ

**Навоий шаҳридаги «Маънавият ва маърифат» марказида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгашининг IX конференцияси бўлиб ўтди.**

Унда вилоят ҳокими, сенатор Нормат Турсунов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев, Федерация аппарати ташкилий ишлар бўлими мудири ўринбосари Жаҳонгир Ихтиёров, вилоятдаги корхона, ташкилотлар раҳбарлари, бошланғич касаба уюшмалари раислари, делегатлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Дастлаб Навоий вилояти ҳокими Нормат Турсунов сўзга чиқиб, Президентимиз раҳбарлигида Янги Ўзбекистонда кенг кўламли ислоҳотлар, туб ўзгаришлар амалга оширилаётганини, мазкур жараёнларда касаба уюшмаларининг ўрни алоҳида бўлаётганини қайд этди.

Конференция кун тартибига мувофиқ, кенгаш раиси Назира Тоғаева 2020-2025 йилларда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот берди. Унда сўнгги беш йилда тизимда бажарилган муҳим ишлар таҳлил қилинди.

– Федерация Бош Кенгашининг «2025 йилда ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, барча туман ва шаҳарларда, тармоқларда ҳисобот-сайлов жараёнлари ташкил этилди, – деди Назира Тоғаева. – Январь ойида вилоятимизда ташкил этилган ўқув-семинарларда 1400 нафардан зиёд бошланғич ташкилот раҳбарлари ва фаоллари иштирок этди. Февраль-апрель ойларида эса 1540 та бошланғич ташкилотда ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилиб, уларда умумий ҳисобда 69 минг 872 нафар ходим қатнашди. Таҳлилларга кўра, ташкилотларда сайланган раисларнинг 68,8 фоизи олий маълумотли, 69,8 фоизи 30-50 ёш оралиғида, 50,8 фоизи педагог мутахассислар, 38,7 фоизи хотин-қизлардан иборат. Шунингдек, 213 нафар раис илк бор сайланди. Май ойида эса тармоқларнинг шаҳар, туман ва вилоят ташкилотлари, бирлашган қўмиталар ўз ҳисоботларини тақдим этди. Бу жараёндаги фикр ва таклифлар эса кейинги беш йиллик фаолиятимизнинг стратегик йўналишларини белгилашда асос бўлади.

Ҳозирги вақтда вилоятда 270 минг 748 нафар аъзомиз бўлиб, уларнинг 80 минг 542 нафари, яъни 30 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Ўтган 5 йилда ёшлар муаммоларини ўрганиш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Раҳбар ва ёшлар» учрашувлари ташкил этилиб, уларда 17 минг 430 нафарга яқин ёш ходимлар билан мулоқотлар ўтказилди.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида 5 маротаба юриш марафони ташкил қилиниб, 2 минг 850 нафарга яқин ёшлар жалб этилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган 4 нафар талабага касаба уюшмаси стипендияси, 4 нафар талабага касаба уюшмалари санаторийларига имтиёзли йўлланма берилди. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида 2 минг 950 нафар ёшнинг Хоразм, Самарқанд, Тошкент каби тарихий шаҳарларга саёҳатлари ташкил қилинди.

Қайд этиш керакки, касаба уюшмаларида Меҳнат инспекциясининг ташкил этилиши ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиниши устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришда муҳим омил бўлди. Улар томонидан иш берувчиларга киритилган 276 та кўрсатма асосида 1400 нафар ходимнинг ҳуқуқлари тикланиб, 1 млрд. 788 млн. сўмлик маблағлари ундириб берилиши таъминланди. Хусусан, Меҳнат инспекцияси томонидан ўтган йилнинг августида Навоий вилояти Ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги Давлат марказига киритилган кўрсатмага асосан 10 нафар хотин-қиз, ишчи-ходимлар аввалги ўз ишларига тикланди ва бекор юрган кунлари учун иш ҳақлари ундириб берилди.

Шунингдек, иш берувчи томонидан рад этилган ва низо келиб чиққан ҳолатлар юзасидан судларга киритилган 148 та даъво аризадан 128 таси судлар томонидан қаноатлантирилди. Фуқаролар фойдасига 2 миллиард 490 миллион сўмдан ортиқ моддий ва маънавий зарарлар ундирилиши таъминланди. Ҳисобот даврида 195 та корхона ва ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида жамоатчилик назорати ўтказилди. Натижада 1856 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, иш берувчиларга 117 та кўрсатма киритилди ва уларнинг барчаси ҳал этилди.

Бундан ташқари, 2020-2024 йиллар давомида 9416 нафар ишчи-ходим санаторийларда соғломлаштирилди ва бу мақсад учун 30 млрд. 742 млн. 350 минг сўм маблағлар сарфланди, шундан 756 нафари бепул соғломлаштирилди. Давлат дастури доирасида ишлайдиган кам таъминланган, кўп болали, олис ва чекка ҳудудларда, мураккаб иқлим шароитида яшовчи оилалардан 47 нафар аёл, 20 нафар тиббиёт ходими, 36 нафар фарзандсиз оила бепул соғломлаштирилди.

Шунингдек, «Халқ таълими муассасаларида меҳнат қилаётган ходимларни санаторийларда соғломлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги Халқ таълими вазирлиги ва Касаба уюшмалари Федерацияси ўртасида қабул қилинган қўшма қарорга мувофиқ таълим муассасалари ходимларига 494 та бепул йўлланма берилди.

Конференцияда сўз олган ҳамкор ташкилотлар вакиллари касаба уюшмалари билан биргаликда амалга оширилган ишлар ва келгуси режалар юзасидан ўз фикрларини билдирдилар. Кенгашнинг ўтган даврдаги фаолияти қониқарли, деб баҳоланди.

* * *

Яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайловда кенгаш раиси, унинг ўринбосари, тафтиш комиссияси раиси ва аъзолари, шунингдек, IX Қурултойга делегатлар сайланди. Натижаларга кўра, Назира Тоғаева кўпчилик овоз билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши раиси, Хуршид Ҳалилов эса унинг ўринбосари этиб сайланди.

**Умид ХУДОЙҚУЛОВ**
*«ISHONCH»*





# ЖИДДИЙ ЖАРАЁН

## ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтмоқда



# БОШ МЕЗОН

## вилояти кенгашининг IX конференцияси бўлиб ўтди.

ишлари давомида аниқланган 631 та камчилик юзасидан иш берувчиларга 125 та тақдимнома ва таклифлар киритилган ҳамда улар тўла бартараф этилишига эришилди.

Ҳисобот йилларида корхона, ташкилот ва муассасаларда тузилган жамоа шартномаларига илова қилинган, «Меҳнатни муҳофаза қилиш Битим»ларида жами 73 минг 292 та тадбирни амалга ошириш ва бунинг учун иш берувчиларнинг 70 млрд. 783 млн. 117 минг сўм маблағ сарфланиши белгиланиб, касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан олиб борилган жамоатчилик назорати ҳамда иш берувчиларнинг ушбу масалага жиддий ёндашганлиги натижасида барча белгиланган тадбирларнинг бажарилиши таъминланди ва режалаштирилган маблағларнинг тўла сарфланишига эришилди.

Мазкур йўналишда жиддий саъй-ҳаракатлар олиб борилаётганлигига қарамай, ҳал этилиши зарур бўлган камчилик ва муаммолар бор. Хусусан, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси, Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси ҳамда Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси тармоқларига чиқувчи корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси тадбирлари учун ҳар бир ходимга сарфланаётган маблағларнинг вилоят кўрсаткичидан ҳам пастлиги ушбу тармоқларда мазкур йўналишда тизимли ишлар етарли даражада амалга оширилмаётганлигидан далолат бермоқда.

Буларнинг натижасини ҳисобот даврида вилоятдаги касаба уюшмасига аъзо корхона, ташкилот ва муассасаларда 63 та ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар юз бергани, ушбу ҳодисалар оқибатида 13 нафар ходим енгил ва 43 нафар ходим оғир тан жароҳатлари олишгани, 26 нафар ходим вафот этганида кўришимиз мумкин. Шундай экан, айни жиҳат ҳамиша кун тартибида турмоғи лозим.

Конференцияда шу ва шу каби фаолиятнинг барча йўналишидаги ишлар натижаси таҳлилдан ўтди. Келаси беш йилликда фаолиятни янги босқичга кўтариш, тизимдаги кемтик нуқталарни бекаму кўст тўлдириш учун қандай тадбирлар амалга оширилиши билан боғлиқ саволлар жавоби мунозаралар жараёнида аён бўлди.

* * *

Муқобиллик асосида ўтган сайловда Абдужаббор Эгамбердиев кўпчилик овоз билан кенгаш раиси, Нодира Абдураҳмонова ҳамда Мансурбек Матисаев кенгаш раиси ўринбосарлари этиб сайландилар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Андижон вилояти кенгашининг IX конференциясида вилоят ҳокими Шуҳратбек Абдураҳмонов, Федерация раисининг ўринбосари Анваржон Абдумухторов иштирок этди.

**Нурилло НЎЪМОНОВ**
*«ISHONCH»*

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгашининг IX конференциясида ортда қолган беш йил давомида эришилган ютуқлар билан биргаликда йўл қўйилган камчиликлар очиқ тилга олинди. Зеро мавжуд муаммолар, тизимдаги камчиликлар бугун очиқ-ойдин муҳокама қилиниб, барҳам бериш чора-тадбирлари кўрилмаса, кейинги беш йил давомида меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимояси, қонуний манфаатларини таъминлаш анча мушкул бўлади.**

# МУНОЗАРАЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

Соҳага оид сайлов жараёнига ҳам юқоридаги омиллардан келиб чиққан ҳолда ёндашилса, етакчиликка даъвогар бўлган номзодлар ичидан муносибларини танлаб олиш ишончли кечади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгаши ўзида 1469 та ташкилот ва уларда меҳнат қилаётган 293155 нафар аъзони бирлаштиради. Айтиш лозимки, ўтган давр мобайнида ҳуқуқий манфаатларни ҳимоя қилиш соҳасида меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнларида фаол иштирок этилди.



Келинг, рақамларга қарайлик, ўтган беш йил давомида ҳуқуқий ҳимоя мазмунидаги 1017 та мурожаат ўрганилиб, шундан 625 та ҳолатда фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинди. Корхона, ташкилот ва муассасаларга қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 330 та тақдимнома киритилди. Албатта, бу ишларнинг замирида инсон манфаати туради.

Ўтган ҳисобот даврида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг вилоят кенгаши ҳамда тармоқ касаба уюшмалари кенгашлари томонидан «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида ички туризмни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилди. Жумладан, туризм масаласини жамоа шартномалари ва тармоқ келишувларига киритиш орқали 2020-2025 йилларда корхона, ташкилот ва муассасалар ходимлари ва уларнинг оила аъзоларидан 28 минг 13 нафарининг юртимизнинг тарихий шаҳарларига, 42 минг 449 нафарининг вилоят ҳудудидаги қадамжоларга саёҳатлари ташкил этилди.

– 2020-2025 йилларда 54651 нафар бола дам олдирилди. 5 минг нафарга яқин кам таъминланган оилалар фарзандлари Маҳалла жамоат фонди ҳисобидан, жамоа шартномалари ва келишувлари орқали эҳтиёжманд оилалар фарзандлари корхона ва ташкилотлар маблағи ҳисобидан, Жиззах шаҳри ҳонадонларидаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари давлат бюджети ҳисобидан ҳамда кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар мактаб-интернатининг тарбияланувчилари касаба уюшмалари ҳисобидан соғломлаштирилди, – деди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгаши раиси Нусратулла Пардаев ҳисобот маърузасида.

Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши устидан касаба уюшмаларининг жамоатчилик назоратини кучайтириш чоралари кўрилди, меҳнат инспекторлари сони 100 нафардан ошди.

Ҳисобот-сайлов конференцияси танқидий-таҳлилий руҳда ўтди. Айрим тармоқ касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари томонидан ўқув-семинарлари ташкил этилмаётгани танқид қилинди. Юқори касаба уюшмаси органлари томонидан йиллар давомида қуйи ташкилотларга кўрсатилаётган амалий ёрдамларга қарамасдан, туман кенгашларида раисларнинг янги сайланганлиги, ҳали касаба уюшмалари фаолияти, иш услубини тўлиқ ўзлаштириб олмаганликлари сабабли, айрим туман кенгашлари тармоқ тизимидаги бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатиш ишлари етарли даражада олиб борилмаяпти. Бунинг натижасида бошланғич ташкилотларда ҳужжатларни юритишда қатор камчиликларга йўл қўйиш ҳолатлари учрамоқда.

Конференция якунида 2025-2029 йилларга мўлжалланган устувор вазифалар белгилаб олинди. Хусусан, меҳнаткашлар ҳуқуқларини таъминлаш, ташкилотларда жамоа шартномаларини кенг жорий этиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, касаба уюшмалари тизимини рақамлаштириш ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни янада кучайтириш асосий йўналишлардан бири сифатида қайд этилди.

Таҳлилий тус олган музокара ва муҳокамалардан сўнг делегатлар кенгашнинг ҳисобот давридаги фаолиятига қониқарли дея баҳо беришди.



* * *

Муқобиллик асосидаги сайловда раис ва раис ўринбосари лавозимларига делегатлар томонидан 4 нафар номзод кўрсатилди. Низом талабларидан келиб чиққан ҳолда яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайловда 85 та овоз билан Нусратулла Пардаев Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгаши раиси, Аъзам Ихтиёров (84 та овоз) раис ўринбосари лавозимига сайланишди.

Конференцияда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Қобилжон Қирғизалиев, вилоят ҳокими ўринбосари Акмал Савурбоев, Ўзбекистон Қаҳрамони Анорбой Эшматов, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Жиззах вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Баҳрулло Қодировлар сўзга чиқиб, бугунги кунда касаба уюшмалари олдида турган долзарб вазифалар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

**Муқимбой ИСМОИЛОВ**
*«ISHONCH»*



# ТАҲЛИЛ – ИСТИҚБОЛ УЧУН ИМКОН

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгашининг IX конференцияси бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Эркинжон Турдимов, Федерация раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев, Ҳ.Худойбердиева номидаги ижод мактаби директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Покиза Аҳмеджанова, фахрийлар, ҳамкор ташкилотлар вакиллари, делегатлар иштирок этди.**

– Касаба уюшмалари халқ билан давлат ўртасидаги мустаҳкам кўприкка айланди, – деди Эркинжон Турдимов. – Бу ташкилот шарофати билан санаторийларда дам олаётган оддий одамлар, болалари оромгоҳларда соғломлаштирилаётган камхарж ота-оналарнинг хурсандчилиги чексиз. Вилоят бўйича «Аёллар дафтари» тизимининг 5 босқичида 72 минг 259 нафар хотин-қиз муаммолари ҳал этилишида касаба уюшмасининг иштироки беқиёс.

Конференцияда вилоят кенгашининг 2020-2025 йиллардаги фаолиятига оид ҳисоботи ҳамда навбатдаги устувор вазифалар муҳокама қилинди, кенгаш тафтиш комиссиясининг фаолияти тўғрисидаги ахборот ҳам эшитилди.

– Асосий эътибор қуйи бўғин бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари ва туман, шаҳар кенгашлари нуфузини, салоҳиятини кўтаришга қаратилмоқда, – деди ўз ҳисоботида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши раиси Рустамбек Турсунмуродов. – Бугунги кунда кенгаш тизимдаги 1392 та бошланғич ташкилот ва уларда ишловчи 198591 нафар аъзони бирлаштирган.

Февраль, март ойларида барча касаба уюшмалари ташкилотлари, бирлашган касаба уюшмаларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ҳамда конференциялари ўтказилди. Уларда 67 минг 735 нафар ишчи-ходим иштирок этди. Янги сайланган 266 нафар бошланғич ташкилотлар раисларининг 40 фоизи аёллардир.

Вилоятда 1 та ҳудудий жамоа келишуви, 39 та тармоқ жамоа келишуви, 1525 та жамоа шартномалари амал қилмоқда. Касаба уюшмаси хизматига олинган 1392 та корхона, ташкилот, муассасаларнинг барчасида жамоа шартномаси тузилган.

Ҳисобот даврида жамоа шартномалари мазмуни республикамизда юз бераётган иқтисодий ислоҳотлар, мамлакатни модернизация қилиш жараёнига мутаносиб равишда меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат ва дам олиш тартиби, иш ҳақи ўз вақтида тўланмаганлиги учун иш берувчиларнинг жавобгарлиги чоралари, нормал меҳнат шароитларини таъминлаш ҳамда ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, ёшлар ва аёллар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар каби яна кўплаб тадбирлар билан бойитилди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ҳал этиш бўйича ҳам 2021 йилдан 2025 йилнинг 5 ойи якунига қадар муайян ишлар амалга оширилди. Ўтган давр мобайнида мурожаатлар асосида олиб борилган ўрганишлар давомида 495 нафардан зиёд ишчи-ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тикланиб, уларга 3 миллиард 189 миллион 261 минг сўмдан ортиқ иш ҳақи ҳамда мажбурий бекор юрган даври учун тегишли тўловлар ундириб берилди.

2020-2024 йиллар мобайнида вилоят кенгаши мутахассислари томонидан 174 та корхона ва ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги қонун ва норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси устидан жамоат назорати тартибида текшириш ўтказилиб, уларда 495 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Бу борада иш берувчиларга тақдимномалар ёзилиб, уларнинг 91 фоиздан ортиғини бартараф этишга эришилди.

Конференцияда иштирокчилар хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлаш, болаларни ёзги мавсумда дам олдириш ва соғломлаштириш, ишчи-ходимларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари, туризмни ривожлантириш бўйича қатор масалаларда касаба уюшмалари олиб бораётган ишлар кўламидан воқиф бўлдилар. Келгусида бундай хайрли ишлар кенг миқёсда давом эттирилади.

– Ишчи-ходимларимиз касаба уюшмаси томонидан фарзандларига кўрсатилаётган ғамхўрликлардан беҳад миннатдор, – деди музокараларда сўзга чиққан «Сирдарё ИЭС» АЖ касаба уюшмаси қўмитаси раиси Камола Мусаева. – Ўзимизнинг ҳудудимизда «Сирдарё» болалар оромгоҳининг ишга тушгани айни муддао бўлди. Корхонамизда ўтган икки йилда болаларни соғломлаштириш режаси 200 фоизга ортиғи билан бажарилди.

Сўзга чиққанлар ўтган беш йил давомида жаҳон стандартларига тўла жавоб бера оладиган «Янгиер» санаторийси ва у масканда сузиш ҳавзаси қуриб фойдаланишга топширилгани, олиб борилаётган барча ишлар инсон, унинг қадри учун эканлигини қайд этиб ўтишди. Шунингдек, янги иш фаолиятини бошлаган корхона ва ташкилотларни касаба уюшмасига жалб этиш, аъзолар сафини кенгайтириш борасида ҳали тўлиқ имкониятлардан фойдаланилмаётгани, иш берувчиларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга эътибор қаратиш лозимлиги, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишда янаям кўпроқ тер тўкишга тўғри келиши таъкидланди.

* * *

Делегатлар томонидан кенгаш раиси вазифасига 2 нафар номзод таклиф қилинди. Яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайловда 98 нафар делегатдан 93 нафари Рустамбек Турсунмуродовни қўллаб-қувватлади. Шаффоф ўтган худди шундай сайловда Ойбек Ашурматов ҳамда Баҳодир Ҳамиджоновлар раис ўринбосарлари лавозимини эгалладилар.

**Баҳор ХОЛБЕКОВА**
*«ISHONCH»*



Қумнинг бир заррасиман, аммо бепоён чўлнинг
дардини ортмоқлаб юрибман.
*Жалолиддин Румий*

2025-YIL 10-IYUL, PAYSHANBA
№ 85 (5149)



**ЁШ ҚАЛАМКАШЛАР ИЖОДИДАН**

# Зомин илҳомлари

Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан бундан 28 йил илгари ташкил этилган Республика ёш ижодкорларининг Зомин семинари истеъдодлиларни бирлаштириб келяпти. Бу йил анжуман тадбирлари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Халқ банки, Навоий кон-металлургия комбинати, Жиззах вилояти ва Зомин тумани ҳокимликлари, Ўзбекистон МТРК билан ҳамкорликда 7–9 июль кунлари, анъанага мувофиқ, Зомин туманидаги НКМК сиҳатгоҳида, сўлим тоғлар бағрида бўлиб ўтди. Семинарда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан жами 128 нафар ёш ижодкор, юртимиздаги 9 та ижод мактабидан 45 нафар ўғил-қиз иштирок этди. Уларнинг асарларини саралаш ва улар учун маҳорат сабоқларини ташкил этиш мақсадида 40 нафардан ортиқ таниқли ижодкор, адабиётшунослардан иборат ишчи гуруҳ, ҳакамлар ҳайъати ташкил қилинди. Анжуманда шеърият, наср, бадиий публицистика, бадиий таржима ва байналмилал адабиёт, болалар адабиёти, адабий танқид, драматургия йўналишлари бўйича шўъбаларга бўлинган ҳолда машғулотлар олиб борилди. Эътиборингизга семинар иштирокчиларининг ижодий ишларидан намуналар ҳавола қиламиз.

**Фозил ФАРҲОД,**
*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ахборот хизмати бўлими бошлиғи*



*Моҳинур БАХТИЁРОВА, Наманган вилоятидаги Исҳоқхон Ибрат ижод мактаби 9-синф ўқувчиси*

## БАХТГА МАКТУБ

Соғинганинг айтма, ўзингни оқлаб,
Менга асли керак висолнинг нақди.
Кела қол, бахтим-а, келгин сўроқлаб,
Мен сени йўқотдим йиқилган вақти.

Аразлама асло, юрма оғриниб,
Йўл қараб бағримни қон қилдим тунлар.
Сенсиз қаҳратонда қолдим оҳ уриб,
Умрим саробидир мазмунсиз кунлар.

Фақат дийдорингни кўрмоқ тилагим,
Чиқарман ёлғизлик саҳналаридан.
Бир кун оғушига чорлар юрагим,
Боқарсан деразам пардаларидан.



*Шаҳло САФАРОВА, Фарғона вилоятидаги Эркин Воҳидов ижод мактабининг 10-синф ўқувчиси*

## НИЛУФАР ЭРГАШЕВА ШЕЪРИГА НАЗИРА

I

«– Ёзда ёзмадингми?
– Ёзда ёзмадим!»
Доғлагим келмади варақ кўксини,
Қаламнинг бошига келмади етгим,
Ўчирғич қолмасин дедим ўксиниб.

– Ёзда ёзмадингми?
– Ёза олмадим!
Кўкси доғ варақлар бермади уйқу,
Тинмасдан руҳимни эзғилайверди,
Сиёҳ теккан ўтмиш – буюк бир қайғу.

Жонимни бўғзимга келтирди июнь,
Сўнг жизғанак қилди июль устма-уст,
Энди қўлларимга текканда қалам
Кузнинг кучоғига ирғитди август...

Хазон кечиб келдим унинг ёнидан,
Қишнинг қорларини эритиб келдим,
Совуқ урмасин деб куйган юракка,
Баҳор гулларини беркитиб келдим!

Келганда қаҳрига учрадим ёзнинг,
Бор заҳрини сочди жавзо беомон.
Мен яна кўкси доғ қоғозлар ҳақи,
Кўксимни ёндириб тўладим товон!

II

Бир вақтлар
Миллатни қоралагандай,
Энг қаро меҳнатни қоралагандай,
Ёзилган қисматни қоралагандай,
Охир қоғоз кўксин қораладим Мен!

Ёзда ёзолганим шу бўлди менинг!



*Севинч НУРИДДИНОВА, Қашқадарё вилоятидаги Абдулла Орипов ижод мактабининг 9-синф ўқувчиси*

## ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

Мен югурдим, кимдандир қочдим,
Кимдир мени қиларди таъқиб.
Ҳатто ёркин, кумушранг ой ҳам,
Олганди ўз ниқобин тақиб.

Осмондаги митти юлдузга,
Ердан туриб ташладим нигоҳ.
Зулмат аро қолган қалбимни,
– Ёрит! – дея сўрадим паноҳ.

Қалбимдаги қўрқувларимдан
Бўлгим келар бутунлай халос.

Ортга назар ташламоқ учун
Жасоратим етмайди, холос.

Мана, охир қарадим ортга,
Турар эди ортимда у лек.
Ортимдаги турган у нарса
Эмас эди ўйлаганимдек...

Қарадиму, ҳайрону лолман,
Барчасига айбдорлигим рост.
Бутун умр беркиниб яшаб,
Ўз соямдан қочибман, холос.



*Асилбек ЖАЛОЛОВ, Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси*

## ОДАМЛАР НИМА ДЕЙДИ?

**Ҳикоя**

Катта ҳовлида бир оила яшарди. Уларни аҳил деб айтолмаймиз. Чол-кампир алоҳида, ўғил ва келин фарзандлари билан алоҳида яшарди. На келин, на ўғил улардан хабар олади, ҳатто бир коса овқатни ҳам қизғанишарди. Чол-кампир етмиш ёшга яқинлашган кекса кишилар эди. Кампир ўзи овқат пиширарди. Келин унга ёрдамлашиш у ёқда турсин, ҳатто одамдай муомала қилмасди. Қайнона эл орасида ортиқча гап-сўз кўпаймаслиги учун бахтли қайнона ролини моҳирлик билан ижро этарди. Кампирнинг катта фарзанди – қизи бор эди. У ота-онасига яқин жойга турмушга чиққани сабабли улардан тез-тез хабар оларди. Қиз онасининг хўрланишини кўриб келин билан тортишарди, аммо она қизи ва келини муносабати бузилишини, бу эса опа-ука муносабатига салбий таъсир кўрсатишини хоҳламасди. Она ҳар доим «Қизим, қўявер. Келиннинг феъли шунақа. Ўзи ҳамма хизматимни қилади», дер эди. Бу оилада энг қийини кампирга эди. Чунки ўғли ва келинининг бемеҳрлиги етмагандай, эри ҳам унга жуда ёмон муносабатда бўларди. Чол-кампир овқат еб туришганида чол нуқул хотинига жаҳл қиларди.

– Ҳа, кампир, иштаҳа билан еганинг-еган-а, – деди чол кинояли қилиб.

– Нега ундай дейсиз? Протез тишлар ўзимни тишим бўлармиди, – деб жавоб қилди содда кампир.

Чол доим хотинига шунақа кинояли гапирарди. Инсонлар ҳар хил бўлади, баъзилар ҳеч қачон ўзгармайди. Букрини гўр тузатади деганларидай...

Кампир бу таҳқирлашларга чидаб, кўчада табассум билан ўз ролини бажарарди. Унинг хаёлида бир ўй эди фақат: оиламдаги бу аҳволни одамлар билса нима дейишади? Шунинг учун ҳам кампир ҳаммасига чидарди. Орадан вақт ўтиб кампир қизилўнгач саратонига чалинди. Аҳволи оғирлашиб ётиб қолди. Кўкрагида тез-тез оғриқ бўлиб турарди. Ҳеч нима еёлмас, еган тақдирида ҳам, кўнгли беҳузур бўлиб, қайт қиларди. Куни битганини сезиб хаёлига яна алланималар ўралашди. Ўзида куч топиб ҳовлига чиқди. Ҳаммаёқ ивирсиб кетган. «Танишларимиз, қариндошлар, қудаларимиз анчагина. Жанозамга келганлар ивирсиб кетган ҳовлини кўриб нима дейишади?» дея лабини тишлади. Аввал ўчоқ бошига ўтди. Ўчоқ таҳида кул тўпланиб қолганди, бундан ташқари тўкилган дарахт барглари бу ер бир неча кундан буён супурилмаганини яққол кўрсатарди. Кампир ўчоқнинг кулини олиб, замбил ғалтакда ҳовлининг нариги бурчагига ташиди. Замбилни кўтаришга ўзида зўрға куч топар, кўкрагида оғриқ турар, қон тупурарди. Кузги хазонларга тўлган ҳовлини бошдан оёқ супурди. Хазонларни қанорлаб ташиди. Бу юмушларни қиларкан оғзидан қон келарди. Мадори қуриб, қўлларида кучи қолмади. Ҳамма ишларни тугатиб уйга кирди. Оғриқ кучайди, ичидан қон кетарди.

Кечки пайт қизи келди. Онасининг аҳволини кўриб, кечаси онаси ёнида қолди. Тунда кампирнинг аҳволи оғирлашди. Тез ёрдам чақиришди, аммо доктор уларни хурсанд қиладиган гап айтмади. Тонгга яқин онанинг жони узилди. Жанозада кампир ўйлаганидек жуда кўп одам келди. Аммо келганлар ҳовли тозалигига эътибор беришдимикан.

Аслида кўпларимиз кампирга ўхшаймиз. «Одамлар нима дейди?» деб ҳаётимизни барбод қиламиз. Аксинча, «кўнглим нима дейди?» деган саволга жавоб беришимиз керак...





*Комила ҚАМАР, Хоразм вилоятилик иштирокчи*

## БАШОРАТ

*Ёнма-ёнлик – олис,*
*Ёнма-ёнлик – оз,*
*Бизлар бир-біровда яшашимиз шарт.*
**Матназар Абдулҳаким.**

Асли бир жуфт эдик жаннатдан бери,
Нуҳнинг кемасига жуфт бўлиб чиқдик.
Минг йиллар тўқилган қисмат занжири
Ва минг тегирмондан бут бўлиб чиқдик.

Ерга торлик қилдик, осмон кенг келди,
Гоҳо бадр эдик, гоҳида ҳилол.
Кўрганлар севгимиз «ботил» ҳисоблаб,
«Бу мумкин эмас!», деб қилдилар қарор.

Балки ишққа Исбот – абад насиба,
Расулга мўъжиза ўтиндик – кўнди.
Бутун эдик Роббим жилва қилганда,
Ўша нур бизларни иккига бўлди.

Йўлидан адашди Қутб юлдузи,
Ойиқлар тасалли беролмай абгор.
Сен ярим ойсану, мен ярим Қамар,
Энди ўртамизда Ҳиро тоғи бор.

Чегасин белгилаб сомон йўлининг,
Юзма-юз турамиз, мағрур турамиз.
Иймон келтирганда ернинг тоғлари,
Азизим, биз яна бутун бўламиз!



*Рўзахон ЎРИНБОЕВА, Тошкент давлат педагогика университети 3-босқич талабаси*

## АКАМГА

Сиз шаҳарда бўлажак олим,
Мен қишлоқда, бордур дил ками.
Онам тонгда қилган дуоли,
Кўзмунчоғи ўзингиздами?

Агар кимдир мени ранжитса,
Ён оласиз, бўламан мағрур.
Эркаликлар қилиб ранжитган,
Бўлсам ака:
– Минг бора узр.

Сизга атаб шеър ёздим янги,
Сезсангиз бас дил нафасини.
Бош қўйсам гар қилар елкангиз,
Чин елкалик вазифасини...

Сиз дўстимсиз, ўзингиз акам,
Дарддошимсиз, эмасман якка.
Кўнглимдан сиз ҳол-аҳвол сўраб,
Майлими, ҳеч тинч қўйманг, ака!

Сиз шаҳарда бўлажак олим,
Мен қишлоқда, бордур дил ками.
Онам тонгда қилган дуоли,
Кўзмунчоғи ўзингиздами?



*Комилахон ТУРСУНОВА, Андижон вилоятилик иштирокчи*

## ОТА УЙ

Болалигим ўтган ҳовли бу,
Занг дарвоза ва рангсиз девор.
Рангсиз девор ичкарисида,
Рангин, рангин хотиралар бор.

Не бахт борки, сочилиб ётар
Шу ҳовлининг йўлкаларида.
Узум уздим, бахтиёр, шодон,
Мен отамнинг елкаларида.

Хаёлимга келмасди у пайт,
Дунё шундай ғирром экани.
Меҳмонакам йўнаган уйга
Ўзимнинг ҳам меҳмон эканим.

Тақдиримдан нолимайман, йўқ,
Эркасиман янги уйимнинг.
Фақат эслаб йиғлагим келар,
Отам қуролмаган тўйимни.

Меҳмон бўлиб, кезаман энди,
Ота уйнинг йўлакларинда.
Узум узар бахтиёр шодон,
Қизим менинг елкаларимда.

Ота уй бу – борсам дил яйрар,
Ота уй бу – айтсам дил оғрир.
Нетайинки отамсиз уйни,
Ота уй деб айтмоғим оғир.

**Мароқли дам олинг, азиз газетхон!**



Шерали Жўраев ижросида
«ЎЗБЕКИСТОН, ВАТАНИМ МАНИМ»
қўшиғи

Юртим, сенга шеър битдим бу кун,
Қиёсингни топмадим асло.
Шоирлар бор, ўз юртин бутун –
Олам аро атаган танҳо.
Улар шеъри учди кўп йироқ,
Қанотида кумуш диёри,
Бир ўлка бор дунёда, бироқ
Битилмаган достондир бори:
Фақат ожиз қаламим маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

АбдуллаОрипов шеъри

**MUASSIS:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

**2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.**

**«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay'ati:**

**Qudratilla RAFIQOV** *(tahrir hay'ati raisi),*
**Ulug'bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV** *(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),*
**Mehriddin SHUKUROV** *(Mas'ul kotib – «Ishonch»),*
**Valentina MARSENYAK** *(Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

Bosh muharrir
**Husan ERMATOV**

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
**Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

**Bo'limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti – **(71) 256-64-69**
Huquq va xalqaro hayot – **(71) 256-52-89**
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – **(71) 256-82-79**
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – **(71) 256-85-43**
Marketing va obuna – **(71) 256-87-73**

**Hududlardagi muxbirlar:**
**Qoraqalpog'iston Respublikasi –** (+998-99) 889-98-20
**Andijon viloyati –** (+998-99) 889-90-23
**Buxoro viloyati –** (+998-99) 889-90-31
**Navoiy viloyati –** (+998-90) 500-05-12
**Jizzax viloyati –** (+998-99) 889-90-34
**Namangan viloyati –** (+998-93) 213-09-66
**Samarqand viloyati –** (+998-99) 889-90-26
**Sirdaryo viloyati –** (+998-99) 889-98-55
**Surxondaryo viloyati –** (+998-90) 379-19-70
**Toshkent viloyati –** (+998-99) 600-40-44
**Farg'ona viloyati –** (+998-99) 889-90-24
**Xorazm viloyati –** (+998-99) 889-98-01
**Qashqadaryo viloyati –** (+998-97) 705-08-93

**Navbatchi muharrir:**
Salim Abdurahmonov

**Musahhihlar:**
Dilorom Xudoyberganova,
Umida Xudoyberganova

**Sahifalovchi:**
Hasan Abdujalilov

**Bosishga topshirish vaqti –** 01:30
**Topshirildi –** 01:50

**Bahosi kelishilgan narxda**

Gazeta haftaning **seshanba, payshanba va shanba** kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
**E-mail:** ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: **133**

**Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.**

**Umumiy adadi 32 083 та**
**Shundan: 6 086 nusxasi**
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –
**Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;**
**18 116 nusxasi**
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
**Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;**
**7 811 nusxasi**
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
**Marg'ilon shahri,Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma G-711**
1 2 3 4 5 6